

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 3-ОКТАБР, ПАЙШАНБА, 119 (8200)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.



Сарвар ҲУМОНОВ (Ўза) олган сурат.

Қашқадарё Вилояти

▼ МУНОСАБАТ

## ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ ЯНГИ МАҚСАДЛАРГА УНДАМОҚДА

**Яқинда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан сўнг Президентимиз Ислом Каримов биз фермерлар билан мулоқоти чоғида қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар омили хусусида сўз юритиб, бу борадаги салоҳият ва имкониятдан янада самарали фойдаланиш бўйича ўз маслаҳатларини берди.**

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг пахтачиликда вилоятимиз иқлими ва тупроқ шароитига мос серхосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш борасидаги кўрсатмалари биз – фермерларнинг дилидаги гап бўлди. Дарҳақиқат, пахтачиликда юқори натижага эришиш, аввало, нав танлашга эришиш, ҳам сифатли, ҳам салмоқли бўлади. Бундай юқори сифатли пахтадан дунё стандартларига жавоб берадиган тола олинади. Энг муҳими, қанча сифатли пахта тайёрласак, шунча кўп даромад топамиз.

Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Ишлайман, яратаман, деган қишлоқ мулкдори учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўзимдан мисол. Дастлаб 25 гектар ер билан иш бошлаган бўлсак, бугунга келиб ер майдонимиз 160 гектарга етди. Шундан 56,5 гектари суғориладиган майдонлар. Ҳар йили пахтачилик ва ғаллачиликдан юқори натижага эришяпмиз. Бу йил ҳам 28 гектардаги ғалладан мўл ҳосил олдик. Айни кунларда 28,5 гектар ердаги ғўза майдонидан биринчи теримдаёқ 30 центнердан “оқ

олтин” териб олиб, шартномавий режани ортиги билан уддаладик. Хали далада пахта кўп. Бу пахта хирмонимиз янада юксалади, даромадимизга даромад қўшилади деганидир. Президентимизнинг қишлоқ мулкдорларини бевосита қўллаб-қувватлаши ҳамда кўрсатаётган ғамхўрликлари, биз – фермерларга яратиб берилётган кенг шарт-шароит ва имкониятлар ушбу ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда.

Бугунги фермер оддий деҳқон эмас, серқирра тadbirkor. Президентимиз таъкидлаганларидек, фермер қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъмин-

лашга фаол ҳисса қўшиши лозим. Бу биз – қишлоқ мулкдорлари зиммасига катта масъулият юклайди, албатта. Шу боис, хўжалигимизда қўшимча тармоқларни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда паррандачилик, кейинроқ эса балиқчиликни йўлга қўймоқчимиз. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада бизга янада кенгроқ имкониятлар эшигини очди. Хусусан, шу ҳужжат асосида ташкил этилган Фермерлар кенгаши бизнинг яқин маслакдошимиз бўлди. Яратиб берилётган ҳар бир имконият кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Юртбошимиз томонидан билдирилган фикрлар эса биз қашқадарёлик фермерларни янада масъулият билан ишлашга, изланишга, янгилик яратишга, янги-янги марралар сари интилишга ундайди.

**Саидхамд КАРИМОВ,**  
Қарши туманидаги  
“Сифат нур” фермер  
хўжалиги раҳбари.

«ОБУНА — 2014»

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



**«Qishloq hayoti»**  
юртимизда амалга  
оширилаётган  
ислохотларни, хусусан,  
қишлоқлар ҳаётини ўзида  
тўлиқ акс эттирган  
газета.

**«Qishloq hayoti»га 2014 йил  
учун обуна газета  
тахририяти ва обуна  
уюштирувчи ташкилотлар  
томонидан нақд пул,  
пластик карточка орқали  
тўлов ҳамда пул ўтказиш  
йўли билан амалга  
оширилмоқда.**

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

# «Euro-Asia» журнали Ўзбекистон – Германия ҳамкорлиги ҳақида


ЯҚИНДА ГЕРМАНИЯДА НАШР ҚИЛИНАДИГАН «EURO-ASIA» ЖУРНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МАВЗУИГА БАФИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**«Ўзбекистон боғлари учун Германия технологиялари»** сарлавҳали мақолада жорий йили пойтахтимизда ўтказилган «WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўргазмаларининг якуни хусусидаги атрофлича маълумотларни журналхонлар эътиборига ҳавола қилинар экан, мазкур тадбирларда Германиянинг озиқ-овқат саноати асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йигирмага яқин етакчи компаниялари иштирок этгани қайд этилади.

Нашр хорижий компанияларнинг Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро миқёсдаги тадбирларга нисбатан қизиқишлари тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлайди. «Шу йили «WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўргазмаларида озиқ-овқат саноати корхоналарининг беш минг нафардан зиёд вакиллари ва таъминотчилар қатнашганига алоҳида урғу беради.

«Германия фирмалари кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди, деб ёзади нашр. Айтиш жоизки, Ўзбекистон германиялик шериклар учун улкан имкониятларни ярати берди. Жумладан, тадбирнинг биринчи ва иккинчи кунларида мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг икки минг нафардан зиёд вакиллари кўргазмада тақдим этилган Германия маҳсулотлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлдилар».

«Euro-Asia»нинг ёзишича, «2013 йилнинг якунига қадар Ўзбекистонда жами 48 минг тонна сутни қайта ишлаш бўйича 113 та лойиҳа, 11,3 минг тонна гўшти қайта ишлаш бўйича 68 та лойиҳа, 73,7 минг тонна мева ва сабзавотларни қайта ишлашга доир 98 та лойиҳа ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари-



даги маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича 9 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга давлат томонидан 94 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади».

Мазкур мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон умумий майдони 244 минг гектарга яқин боғ-роғлари билан машхур бўлиб, уларнинг 127 минг гектарида узум етиштирилади. Ўтган йили Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг умумий миқдори 2 млн. 52 минг тоннани ташкил этди. Бу серқуёш ўлкадан Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея сингари қатор мамлакатларга мазали ва сифатли маҳсулотлар етказиб берилди.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжали-

ги вазирлигининг манбаларига мурожаат этар экан, «жорий йилда агросаноат комплексларини технологик жиҳатдан модернизациялаш ва бу йўналишда янги корхоналарни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда республиканинг қарийб олти минг гектар ер майдонида янги боғроғлар яратиш режалаштирилгани»ни ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилган.

«Мамлакатда яратилган қулай иқтисодий шарт-шароитларда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик аграр жабҳа вакиллари германиялик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдордир», деб ёзади немис нашри.

**«Истиқболли ҳамкорликка йўналтирилган ҳисса»** сарлавҳали мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистон ҳудудида Германия сармоялари иштирокида юздан зиёд кор-

хона фаолият кўрсатмоқда. Германиянинг экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган «МАН», «Кнауф» ва «Клас» сингари етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар ана шулар жумласига киради.

Муаллифнинг таъкидлашича, Германия Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича муҳим давлатлардан бири саналади. Хусусан, молиявий ва техникавий жиҳатдан кўмак бериш соҳасида Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ва Германия тараққиёт банки билан ҳамкорликда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ҳамда мамлакатнинг чекка ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг бой

сайёҳлик салоҳияти ҳам нашр эътиборидан четда қолмаган. «Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўлка заминидаги Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа тарихий шаҳарлар бутун дунё сайёҳатчилари, жумладан, германияликлар орасида ҳам машҳурдир», деб ёзади «Euro-Asia» журнали.

Юқоридагилардан ташқари, мазкур мақолада икки мамлакат ўртасида амалга оширилаётган фаол маданий ҳамкорлик мавзуси ҳам атрофлича қаламга олинган. Хусусан, ҳар йили Германия ва Ўзбекистон санъат арбобларининг ўзаро ҳамкорлигида қатор маданий тадбирлар ўтказиладигани қайд этилади.

**«Шарқ достони»** сарлавҳали мақолада эса мамлакатимизда гипс тошларини қазиб олиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бозорда илғор қурилиш технологиялари ва товарларини кўпайтириш билан шуғулланаётган, шунингдек, Ўзбекистонда мазкур соҳа кадрларини тайёрлашга ҳисса қўшаётган «Кнауф» компанияси қўлга киритаётган муваффақиятлар хусусида атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган.

«Ушбу компания 2004 йили Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган эди, деб ёзади нашр. Шундан буён «Кнауф» ишлаб чиқариш кучларини мамлакатда янада ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда. У республика бозорларини маҳаллий хошмаллардан тайёрланган, инновацияга асосланган қурилиш маҳсулотлари билан таъминлашга, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялашга ҳисса қўшмоқда. «Кнауф» компанияси Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида намоён этди», дея хулоса қилади «Euro-Asia».

**«Жаҳон» АА**

Берлин

## ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни янада эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорда уларга талаб ортиб бормоқда.**

Афсуски, яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига юртимизда ноқонуний фаолият юритишга уринаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Жумладан, Фарғона вилояти Данғара тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан тумандаги «Султонов Нодиржон Муроджонович» хусусий корхонасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда корхона раҳбари Н.Султонбоев назорат-касса аппаратисиз, мижозларга чек ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан 60,9 млн. сўмлик пайнет хизмати кўрсатганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Н.Султонбоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, суд ҳукми билан унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Юртимизда автомобиль транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини тартибга солиш, аҳолига қулай ва сифатли транспорт хизматини йўлга қўйиш борасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш, унинг ижросини таъминлаш юзасидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги қонунийликни таъминлаш мақсадида Андижон вилояти Балиқчи тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд текширувида фуқаро З.Олимжонов йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланганлиги учун муқаддам маъмурий жазога тортилганидан тегишли хулоса чиқармасдан ушбу ҳуқуқбузарликни қайта содир этиб, аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб келаётганлиги аниқланган.

Натижада унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, суд ҳукми билан ҳар

ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш бўйича жазо тайинланган.

Шунингдек, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, солиққа оид қонунчилик талаблари бузилишининг, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотилишининг олдини олиш борасида Самарқанд вилояти Нарпай тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан рейд текшируви ўтказилганда Қозикент қишлоғида яшовчи фуқаро Н.Номозов яширин равишда цех ташкил қилиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган пахта чигитидан ёғ маҳсулоти ишлаб чиқараётганлиги аниқланган. Текширув натижасида пахта ёғи ҳамда мойҳувоз ускунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Н.Номозовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилган ҳамда у суд ҳукми билан 4 млн. сўм миқдоридан жаримага тортилган.

Бундан ташқари, нақд пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, шунингдек, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш борасида На-

воий вилояти Навбахор тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан текширув ўтказилганда «Javohir navbahor servis» хусусий корхонаси раҳбари А.Ҳаққулов 1,7 млрд. сўмликдан зиёд товарларни сотиб, савдодан тушган пулларни назорат-касса аппаратида кирим қилмаганлиги ва нақд пул маблағларини банкка топширмаганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, ундан суд ҳукми билан энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдоридан жарима ундирилди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, ноқонуний фаолият билан шуғулланмоқчи бўлганлар, албатта, қонун олдида жавобгар бўладилар. Шу боис, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш муваффақиятлар гаровидир. Зеро, унинг замирида ватан тараққиёти, халқ манфаати муҳассам.

**Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Солиқ қўмитаси  
Ахборот хизмати**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ШИЖОАТИ АМУДАЎ ТОШИБ, ХИРМОННИ ҲАМ БОРМОҚДА ОШИБ

**Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Амударё туманида ҳам деҳқонлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, йил сайин ҳосилдорликни ошириб бормоқдалар. Биргина пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқларни таҳлил этганимизда ҳам бунинг ёрқин исботини кўрамиз.**



**Фермер Омонбой Ражабов хўжалик аззолари Адолат Ражабова ва Асал Жидебоева билан.**

— Энг муҳими, ерга муносабатнинг ўзгариши бунда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди туман ҳоқими **Ражаббой Йўлдошев**. — Мамлакатимизда фермерларга яратиб берилаётган имкониятлар самараси ўлароқ бугунги кунда фермерлар томонидан “оқ олтин”нинг асосий қисми етиштирилмоқда. Қолаверса, тезпишар, толаси сифатли, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳар бир ҳудуднинг клим ва тупроқ шароитига мос навларнинг яратилгани, илғор агротехнологиялар амалиётга татиқ этилаётгани деҳқон меҳнатини енгиллаштириб, иқтисодий манфаатдорликни оширмоқда. Туманимизда ҳам фермерлар учун етарли имкониятларни яратганмиз.

қатъияти, бой билим ва тажрибаси, ҳалол ва фидойи меҳнатлари билан мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунгача яратилган хирмон 33 минг 50 тоннадан ошди. Келинг, шу ўринда пахтакорларнинг муваффақиятлари омилларига тўхталсак. Амударё тумани пахтакорлари ғўзани суғоришда 32 та насос станциясидан фойдаланишди. Деҳқонларга камарбаста бўлаётган ирригаторлар уларнинг узлуксиз ишлашини таъминладилар. Натижада ғўза ниҳоллари 5-6 марта қондириб суғорилди. Ушбу агротехник тадбирни қисқа муддатларда ва ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказиш мақсадида тунги суғоришга алоҳида эътибор қаратилди.

унумли ҳайдов тракторлари, 109 дона чопиқ ва 1 дона юк ташиш тракторини ҳамда кўплаб бошқа техника ва агрегатларни лизинг ва кредит асосида олдилар. Парваришда ушбу техникалар деҳқоннинг ҳақиқий қаноти бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ишлов вақтида ва сифатли ўтказилди. Бу ҳам ҳосилни кўпайтириш имконини яратди.

ни ошириш мақсадида тупроққа органик ва минерал ўғитлар билан агротехника талаблари даражасида ишлов беришди. Бу борадаги ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиб, ғўза ниҳолларига суспензия сепилгани, ғўза қатор ораларига ишлов бериш жараёнида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлардан унумли фойдаланилгани ҳам ҳосилдорлик ошишига катта туртки бўлди.

Аслида деҳқон учун қулай келган йилнинг ўзи йўқ. Аммо ҳақиқий деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради. Бу йил баҳор кеч келди. Ёз фаслида эса ҳарорат меъёридан ошиб кетди. Бу амударёлик деҳқонларнинг ҳам омилкорлиги ва фидойилигини яна бир бор синовдан ўтказди. Пахтачиликда кўп йиллик бой тажрибага эга туман деҳқонлари бу қийинчиликларни мардонавор енгиб, мустаҳкам ирода ва

Шунингдек, пахтакорлар маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишмоқда. Суғориш жараёнида “шарбат” усули ўзининг ижобий натижасини берди. Далада намлик яхши сақланди, ғўза чанқамасди. Халқимизда “Иш қуроли сознинг машаққати оз бўлади”, деган нақл бор. Ҳақиқатдан ҳам техника ва агрегатлардан унумли фойдаланилса, қишлоқ хўжалигида яхши самарадорликка эришиш мумкин. Кейинги 3 йилда туман фермерлари 18 дона юқори

Ўз навбатида, ёнилғи-мойлаш материалларининг етарли миқдордаги захираси яратилиб, жойларда фаолият кўрсатаётган 17 та фермер хўжалигига мавсум давомида 3,5 минг тоннадан ортиқ ёнилғи-мойлаш материаллари дала бошига келтириб берилди.

Бу йил об-ҳавонинг зараркунанда ва ҳашаротлар учун қулай келиши етиштирилаётган ҳосилга хавф туғилиш эҳтимолини оширди. Жойлардаги 16 та биологаториядаги тажрибали мутахассисларнинг хизматлари туфайли бу хавфлар бартараф қилиниб, мўл ҳосил яратилди.

Маълумки, ғўза ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи ўндан ортиқ асосий омиллар мавжуд. Буларнинг ичида энг асосийси ер унумдорлиги-

“Юсуф хўжа”, “Хўжаниёзов Отажон”, “Рам Ҳайитмбат”, Қиличбой ову-

лидаги “Ражабов Омонбой”, Дўрман овулидаги “Ўразбоев Улғубек”, “Бешбоев Қурбонғали”, “Қамолиддин Бекниёз”, Бобур номли овулдаги “Умид-Азимхўжа”, Чойқўл овулидаги “Юлдошев Анвар”, Қипчоқ овулидаги “Турсунбоева Умида”, Тўлқин овулидаги “Аму соҳили”, Бўзёп овулидаги “Айтбой отахон”, Холимбек овулидаги “Уста Оллаёр”, А.Темур номли овулдаги “Ўрозбоев Алламберганд” фермер хўжаликлари ҳосилдорликни оширишда бошқаларга ўрнатқ бўлди.

Мавсум давомида фермерларга амалий ёрдам бериб, уларнинг оғирини енгил қилган Йўлдош Ўрозбоев номли, “Туркманистон”, “Қипчоқ”, “Мангит”, “Қиличбой” ва “Дўстлик” муқобил машина-трактор паркларини фермер хўжаликлари хизмат кўрсатувчи илғор МТПлар сифатида тилга олиш ўринлидир.

Энг муҳими, терилган пахта ҳосили юқори навларга топширилмоқда. Бу эса даромаднинг юқори бўлишидан далолатдир. Демак, келгусида шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги таълим ва тиббиёт масканлари, замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши, улардан келажагимиз эгалари бўлмиш ёшлар ва бунёдкор халқимиз фойдаланиши, турмушимизнинг янада обод, ҳаётимизнинг фаровон бўлишига хизмат қилади. Бу эса деҳқонларимизнинг фахр-ифтихорини ошириб, янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**  
**“Qishloq hayoti” мухбири.**  
М.ШОМУРОДОВ олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

# ЗАМОНАВИЙ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ



**МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АМАЛИЁТДА КЕНГ ҚўЛЛАШ БОРАСИДА МУҲИМ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

Пахтакорларимиз томонидан етиштирилган ҳосилни машиналарда йиғиб-териш олиш уларнинг меҳнатини янада енгиллаштиради. Муҳандис-технологлар бу борада қатор изланишлар олиб боришиб, қулай, ихчам ва замонавий машиналарни яратишга ҳаракат қилишмоқда. Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган, шпиндел ва гидравлик узатиш-бошқариш тизимлари янада такомиллаштирилган “МХА-1,8” икки қаторли терим машиналари ана шу изланиш ҳамда қатъий саъй-ҳаракатлар ҳосиласидир.

жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир. Терим машинаси бункери сизими 800 килограмм, иш унуми тез. Айни пайтда илғор механизаторлар кунига 3-3,5 тонна пахта териш, хирмон уюшмоқда.

— Аввалги терим машиналаридан янги терим машинасининг фарқи жиҳати аввало, механик эмас, гидравлик бошқариш тизимига ўтказилган, — дейди “Сирдарё автотеххизмат” МЧЖ инспектори Эсиргап Ҳимматов. — Машинанинг шпинделлари мустаҳкам. Энг афзаллиги, бункерга тиркалган уч гилдиракли “ТТЗ-8-11” тракторини экиш-тикиш, ғўза парвариши даврида бункердан чиқариб олиб, дала ишларида тўла фойдаланиш мумкин. Қолаверса, “ТТЗ-8-11” тракторининг қисмлари ҳам такомиллаштирилган.

— “МХА -1,8” терим машинасида кунига 3-3,5 тонна пахта теряпман, — дейди

“Сайхунобод агротехсервис МТП” МЧЖ оператори Абдурасул Аҳмедов. — Машинанинг пахтани тоза териши бизни қувонтирмоқда. Сифати яхшилиги учун машинада гарамлаган “оқ олтин”ни қабул масканлари биринчи навга ўтказишаётир.

Абдурасулнинг ҳамкасблари Абдужалил Оқмуродов, Сафар Ҳайитов, Баҳодир Эсоновлар ҳам кунига 3-3,5 тоннадан пахта териш, хирмонга барака киритишмоқда. Бинобарин, ишчи кучи кам, гектаридан 20-25 центнердан ҳосил етиштирилаётган чўл ҳудудида бу машиналардан самарали фойдаланиш мумкин.

Сайхунобод туманидаги Исмоил Раҳматов раҳбарлик қилаётган “Убайдулла ҳожи” фермер хўжалигида машина терими ҳисобига биринчи теримнинг ўзида гектаридан 41-42 центнердан хомашё йиғиштириб олинди.

Яқинда мутасаддилар ва бир гуруҳ олимлар “Убайдулла ҳожи” фермер хўжалигида бўлиб, янги машиналарнинг иш унуми, бошқариш тизими афзалликлари билан яқиндан танишдилар.

Сирасини айтганда, “МХА-1,8” терим машиналари пахтакорлар меҳнатини енгиллаштириб, ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш имконини бермоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
**“Qishloq hayoti” мухбири.**  
Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

# САНЪАТКОРЛАР ТЕРИМЧИЛАР ҲУЗУРИДА

**Сурхондарёлик пахтакорлар бу йил 119 минг 500 гектар майдонда ғўза парваришлади. Айни пайтда далаларда етиштирилган мўл ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териш олиш ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.**

— Таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, вилоятимиздаги театр ва бадий жамоалар вакиллари иштирокида бевосита пахта далаларида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муяссар Қорақуллова. — Айниқса, Маннон Уйгур номлидаги вилоят мусиқали драма театри санъаткорларининг Қизирик, Ангор, Шеробод туманларида ташкил этаётган учрашувлари, қизикarli концерт дастурлари барчага манзур бўлаётир. Вилоят кўғирчоқ театри ва туман маданият уйлари санъаткорларидан ташкил топган гуруҳлар ҳам теримчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Сурхонгарё Вилояти

# САЛОМАТЛИК ВА ОБОД ТУРМУШ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг янги технология ва услубларини кенг жорий этиш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йилнинг Обод турмуш йили, деб эълон қилиниши ва шу асосда ишлаб чиқилган Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.**

Ёши улугъ юртдошларимиз яхши билади, бир пайтлар тобимиз қочиб, иситмалаб қолсак ҳам туман марказига боришга мажбур эдик. Чунки амбулатория, деб аталган кўрмисизгина бинода бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун етарли шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли аҳвол тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда аҳолининг сифатли, тезкор тиббий хизматдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни билан мустаҳкамланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури доирасида шошилинч тиббий ёрдам марказлари, туман тиббиёт бирлашмаларида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилиб, бепул, шошилинч ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2005 йил 1 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан соҳа ходимларининг меҳнати муносиб рағбатлантирилади. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи замонавий хизмат турлари – скрининг марказлари ташкил этилди, туғруқхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнида ташкил этилиб, замонавий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида сўнгги йилларда кўплаб ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. 244 замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Таҳлилларга кўра, бугун воҳа аҳолисининг қарийб 95 фоизи қишлоқдаги бирламчи тиббий муассаса хизматидан унумли фойдаланиб, саломатлигини тикламоқда. Бунинг учун ҚВПлар “Саломатлик” дастурига мувофиқ жиҳозланиб, қон таҳлиллари олиб борадиган лабораториялар ташкил этилаётир. ЭКГ, офтоскоп, ренаскоп сингари замонавий тиббий аппаратлар билан, дорихона шохбчалари зарур дори-дармон билан таъминланмоқда. Беморларни кундузги стационарда даволаш, энгил жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилаётир. Болалар, туғруқ ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштириш чоралари кўриломоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий мадани-

ятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида Сурхондарёнинг Ховуз, Тўда, Шалдиқоқ, Новбир, Гулҳовуз, Ўзбекистон каби олис ва чекка ҳудудларида саккизта қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди. Мазкур иншоотларни қуриш учун уч миллиард 123 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шалдиқоқ – Шўрчи туманидаги чекка маҳаллалардан бири. Йилдан-йилга чирой очиб, обод бўлиб бораётган маҳаллада сервис ва хизмат кўрсатиш ривожланмоқда. Жорий йилда 345 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти маҳалла аҳлига ажойиб совға бўлди.

– Мустақиллик йилларида маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолининг турмуш даражаси юксалди, – дейди “Шалдиқоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Йўлдошев. – Янги барпо этилган қишлоқ врачлик пунктида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, аёллар ва болаларни замонавий тиббий кўриқдан ўтказиш учун барча шароит мавжуд. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

## ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бир танишимнинг фарзанди бехосдан умуртқа суягини жиддий жароҳат олди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида кўриқдан ўтказилгач, унга аниқ ва ишончли ташхис қўйилди. Мураккаб жарроҳлик йўли билан боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бундан 20-25 йил аввал умуртқа чурраси, юрак-қон томир касалликларини аниқлаш ва даволаш ўта мураккаб, қалтис иш саналарди. Ўшанда энг самарали тиббиёт усуласи – рентген аппарати бўлган шифохонанинг реанимация бўлимида беморни сунъий нафас олдириш учун баллонли кислород ҳам муаммо эди. Бошқача айтганда, оғир беморлар катта маблағ эвазига бўлса-да, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги касалхоналардан шифо изларди. Истиқлол йилларида замонавий муҳташам бино қад ростлади. Ихтисослашган бўлимларда мижозларга тезкор, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун қулай шароит яратилди. Сўнгги русумдаги замонавий диагностика аппаратлари ҳар қандай касалликни бир зумда аниқлаб бераётир. Оғир жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган беморлар учун сунъий нафас олишига кўмаклаша-



Ангор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси вилоятдаги намунали тиббиёт масканларидан. Ушбу тиббий муассасанинг врач ва ҳамширалари репродуктив саломатлик, туғруқлар оралигини сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, гўдақларни парваришлаш бўйича олиб бораётган тушунтириш ишлари ҳам ўз самараларини бермоқда.

СУРАТДА: доя Шахло Мирзаева ва шифокор Сайёра Худоёрова.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

диган ноёб ускуналар, бинони қуёш батареяси ёрдамида иситиш ва ёритиш, тежамкор сенсорли лампалар, тоза, озода, шинам ётоқхона, ошхона, янги юмшоқ мебеллар...

– Бир пайтлар беморнинг аҳолини ўрганиш, касалликни аниқлаш учун икки-уч кун вақтимиз кетарди, – дейди тиббиёт маркази жарроҳи Аҳматилла Дўстбоев. – Жарроҳлик хоналарида ҳам шароит ҳаминқадар эди. Бугун аҳвол тамомил бошқача. Янги қурилган кенг, ёруғ кўп қаватли биноларда шифокор учун ҳам, бемор учун ҳам бирдек қулайлик яратилган. Бундан 25 йил муқаддам имконсиз, деб ҳисобланган операция ҳам бугун муваффақиятли бажарилмоқда. Энг муҳими, юртдошларимизнинг шифо излаб, узок-узокларга боришига чек қўйилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида ташкил этилган кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказлари ва туман тиббиёт бирлашмаларини бошқариш такомиллаштирилиб, самарадорлиги оширилгани мамлакатимизда жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, етук мутахассислар билан таъминланган тиббий муассасалар фаолиятини йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ собиқ болалар шифохонасининг вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилгани келажагимиз эгаларини соғлом вояга етказиш ва касалликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

– Шифохонанинг кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилгани фаолиятимизда туб бурилиш ясади, – дейди тиббиёт маркази бош шифокори Абдусамат Норқобиллов. – Хорижнинг илғор тиббий технологиялари кенг жорий этилди, тиббиёт ходимларининг касб маҳоратини оширишга эътибор кучайди. Хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошди. Айни пайтда болаларнинг урологик ҳамда

ўн икки бармоқли ичак туғма нуқсонлари каби касалликлар ҳам шу ернинг ўзиде жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Саломатлик-3” лойиҳаси юртимизда янгидан қурилиб ёки реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган 54 туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тўрттаси Сурхондарё вилоятида қайта бўй кўрсатмоқда. “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш вилоят бюроси директори Зокир Мамараҳимовнинг таъкидлашича, вилоятдаги барча туман тиббиёт бирлашмалари хорижнинг рақамли ультратовуш текширув аппаратлари билан таъминланаётир. Капитал реконструкция қилинаётган Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи ва Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларида хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, сифати яхшиланимоқда. Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, онкология диспансери, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда сил касалликларига қарши кураш диспансери капитал реконструкция қилинмоқда, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланаётир.

## СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Она ва бола саломатлиги – давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бора-сидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дас-

тури тўғрисида”ги қарорлари бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Жорий йилнинг 8 ойида вилоятда ташкил этилган саломатлик ҳафталиклариде фертил ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. 14 ёшгача бўлган болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқка жалб этилиб, касаллик белгилари мавжуд ўғил-қизлар бепул даволанмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академиясининг малакали мутахассислари иштирок этаётган саломатлик ҳафталиклари аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш имконини бермоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасалари ва тиббиёт бирлашмалари ҳамкорлигида ўтказилаётган бундай тадбирларда олис ва тоғли қишлоқларнинг ёшлари ҳам, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам тўлиқ қамраб олиниб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилаётир.

«Соғлом она – соғлом бола» шиори остида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар самарасида хотин-қизлар ўртасида ҳар хил экстрагенитал касалликлар, оналар ўлими, ногирон болалар туғилиши кескин камайишига эришилмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлод вояга етаётир. Маълумотларга кўра, Сурхондарёда 6-15 ёшли болалар ўртасида юқори нафас йўллари вирусли инфекцияси 2012 йилда 2003 йилга нисбатан 32,5 фоиз, пневмония 39 фоиз, скалиоз билан касалланиш 27,3 фоиз камайган. Соҳада эришилаётган бундай ютуқлар, ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар халқимиз қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА муҳбири.

# ГРАН-ПРИ МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ

## ○ ШАХМАТ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган хотин-қизлар ўртасидаги ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқич баҳслари ниҳоясига етди.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини беради. 2013-2014 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисоб-

да 18 нафар шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Уларнинг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг

кўп балл жамғарган шахмат устаси 2015 йилда амалдаги жаҳон чемпиони билан шахмат тожи учун ўн партиядан иборат учрашув ўтказиш имконига эга бўлади.

Ҳамюртимиз Нафиса Мўминова мусобақада қозоғистонлик Гулисхон Накбоева ва хитойлик Цзю Веньцзюни мағлубиятга учратди. Арманистонлик Элина Даниэлян ва украиналик Катерина Лагно билан дуранг ўйнаб, 3 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Турнирда 8 очко билан биринчи ўринни эгаллаган ҳиндистонлик Хампи Конеру голиб бўлди. Кумуш медаль грузиялик Бела Хотенашвили, бронза медаль украиналик Катерина Лагнога насиб этди.

ФИДЕ Гран-присининг кейинги босқичи 2014 йилнинг 2-16 май кунлари Россиянинг Хант-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз вакили Нафиса Мўминова ҳам иштирок этиб, қимматли очколарни тўплаш учун яна бир имкониятга эга бўлади.

Шунингдек, у 2014 йил кузда Тошкентда ўтказиладиган талабалар ўртасидаги халқаро турнирда ҳам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси сифатида иштирок этиши мумкин. Ушбу мусобақа ҳақидаги маълумотни жамоатчиликка Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов маълум қилган эди.

## ○ ТЕННИС

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ – БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Фаргона шаҳрида “Челленжер” туркумидаги халқаро турнир якунланди. Унда вакилларимиздан Нигина Абдураимова аёллар ўртасида яққалик баҳсларида, эркаклар ўртасида эса Фаррух Дўстов тунислик Малик Жазирий билан бирга жуфтлик мусобақаларида бош совринни қўлга киритишди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Эркаклар ўртасида яққаликда голиблик молдовалик Раду Алботга насиб этган бўлса, хотин-қизларнинг жуфтликлар мусобақасида украиналик Людмила Киченок ва беларуслик Полина Пехова голиб чиқди.

Эркакларнинг жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ва тунислик Малик Жазирий жуфтлиги ўзбекистонлик Александр Цаткин ва Сардор Пўлатовни 6:1, 6:2, япониялик Хироки Кондо ва хитой тайпейилик Хуанг Лианг Чини 6:3, 6:2, хитойлик Ти Чен ва австриялик Максимилиан Неукристни 6:3, 6:4 ва сербиялик Илия Бозолжак

ва чехиялик Роман Жебавини 6:3, 6:3 ҳисобида энгиб, бош соврин соҳиби бўлди.

Аёллар ўртасидаги яққалик беллашувларида иккинчи рақамда сараланган Нигина Абдураимова саралаш учрашувларида ўз ҳамюртлари Александра Стаханова, Арина Фольц, япониялик Мари Танака ва украиналик Вероника Капшайни, финалда эса яна бир украиналик теннисчи Анастасия Васильевани мағлубиятга учратди.

Бу Нигина Абдураимова учун хотин-қизлар ўртасида яққалик баҳсларидаги илк соврин бўлди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

## ○ ЭШКАК ЭШИШ

# XV ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ: ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҲИСОБИДА 15 ОЛТИН, 15 КУМУШ, 15 БРОНЗА

Самарқандда ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўн бешинчи Осиё чемпионати якунланди. Унда 20 дан ортиқ давлатдан 500 га яқин спортчи қатнашди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Чемпионат кунларида ўтказилган Осиё каноэ федерациясининг 16-конгресси ва матбуот анжуманида Халқаро каноэ федерацияси ҳамда Осиё каноэ федерацияси раҳбарлари Ўзбекистонда Осиё чемпионати юқори савияда ташкил этилгани, бу ерда халқаро спорт мусобақалари ҳамда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш учун барча шароит мавжудлигини таъкидлаб, Самарқанд эшкак эшиш каналида амалга оширилган капитал реконструкция ишларига юқори баҳо бердилар.

Чемпионат якунига кўра, 15 олтин, 15 кумуш ва 15 бронза медалларни қўлга киритган ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Қозоғистон ва учинчи ўрин Эрон терма жамоаларига насиб этди.

Вакилларимизнинг муваффақиятида Вадим Меньков, Алексей Мочалов, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Юлия Цой, Екатерина Заркова, Артур Гулиев, Темур Ҳайдаров, Темур Мармарозиқов, Владислав Патофеев, Сергей Бухальцев каби спортчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Мусобақалар доирасида паралимпиячилар ўртасида ҳам баҳслар ўтказилди. Унда ҳамюртимиз Усмон Кестан олтин медални қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Уктам Файбуллаев кумуш медаль билан тақдирланди.

Қитъа микёсидаги нуфузли мусобақа юксак даражада ўтказилган Самарқанд эшкак эшиш каналида жорий йилнинг 13-17 октябрь кунлари академик эшкак эшиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

# ЁШЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ТЎП СУРАДИ

Футбол бўйича 16 ёшгача бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг саралаш мусобақасини биринчи ўринда якунлади.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

## ○ ФУТБОЛ

Қитъа чемпионатининг саралаш мусобақаларида Осиёнинг 41 мамлакати ёш футболчилари ўн гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашди.

Саралаш мусобақасининг “В” гуруҳи ўйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилди. Тажрибали мураббий Темур Олимхўжаев шогирдлари дастлабки учрашувда Фаластин ўсмирлар терма жамоаси дарвозасига жавобсиз тўққизта гол урди.

Гуруҳдаги иккинчи баҳсда ҳамюртларимиз Яман ўсмирларига қарши майдонга тушди. Футболчиларимиз устунлигида ўтган беллашувда 4:0 ҳисоби қайд этилди.

“В” гуруҳидаги ҳар икки учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, биринчи ўринни эгал-

лаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2014 йилнинг 18 сентябрь – 1 октябрь кунлари Таиландда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал қисмида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дилшод Нуралиев бошчилигидаги 17 ёшгача бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси эса ҳозирда Испаниянинг Марбелья шаҳрида бўлиб, нуфузли халқаро турнирда иштирок этмоқда. Дастлабки учрашувда вакилларимиз Кот д’Ивуар ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 0:0 ҳисобида дуранг натижани қайд этишди. Кейинги учрашувларни футболчиларимиз Мексика ҳамда Аргентина ўсмирлар терма жамоаларига қарши ўтка-

зади. Испаниядаги халқаро турнир Д.Нуралиев шогирдлари учун октябрь ойида бошланадиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати баҳслари олдида сўнгги тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.

Шунингдек, куни кеча Алексей Евстафеев қўл остидаги 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар термаси Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида иштирок этиш учун Қатарга жўнаб кетишди. 4-12 октябрь кунлари Доха шаҳри мезбонлик қиладиган мусобақада Ўзбекистон U-19 ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати йўлланмаси учун “А” гуруҳида Қатар, Туркменистон, Непал ҳамда Ҳиндистон терма жамоалари билан куч синашади.

# ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Дзюдо бўйича “Гран-при” туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди.

## ○ ДЗЮДО

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан Қозоғистонда ўтказилган мусобақада дунёнинг ўн уч мамлакатидан 152 нафар спортчи голиблик учун куч синашди.

Гран-при турнирида 90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан юртдошимиз Хуршид Набиев россиялик Хусан Холмирзаев ва тожикистонлик Камроншоҳ Устопириённи мағлубиятга учратиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Ваз-

ни 100 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида Ўтқир Курбонов мезбонлар вакили Талгат Амренов ва тожикистонлик Парвиз Собиров устидан қозонган галабалари эвазига бронза медалини қўлга киритди. Оғирлиги 81 килограмм бўлган Шухратжон Арслонов эса қозоғистонлик Адилет Миссин, украиналик дзюдочилар – Артём Василенко ва Виталий Поповични энгиб, учинчи ўринни эгаллади.

4-6 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида дзюдо кураши бўйича Гран-При туркумига кирувчи турнирнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтади. Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилган мазкур нуфузли турнирда 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколар ҳам ўйналади.


 Фарғона Вилояти


 Бебаҳо Неймат Қадри

# ТЕЖОҒЛИНИНГ ИШИ БЕЖОҒЛИ

## РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР СУВДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР

Мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда. Соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор самарасида ўтган йиллар мобайнида юртимизда мавжуд сув ресурсларини бошқариш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларини обиҳаёт билан узлуксиз таъминлаш имкони берадиган кучли сув хўжалиги тизими яратилди.



сурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқда. Жумладан, Жанубий Фарғона магистрал канали сувидан фойдаланадиган Фарғона ва Андижон вилоятлари экин майдонларида Швейцария тараққиёт агентлиги ҳомийлигида “Фарғона водийси сув ресурсларини мукамал бошқариш” лойиҳаси асосида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа Жанубий Фарғона магистрал каналнинг сувидан фойдаланувчи ва истеъмолчиларни ягона бошқарувга бирлаштирувчи, белгиланган режа асосида адолатли, мунтазам ва кафолатли сув тақсимотини кўзловчи 3 та йўналишни қамраб олади.

Лойиҳани амалга ошириш давомида Жанубий Фарғона магистрал канали сувидан фойдаланувчилар уюшмаси тузилиб, Адлия вазирлигиндан нодавлат нотижорат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилди. Жанубий Фарғона магистрал каналдаги 12 та йирик гидротехник иншоот ва канал тўлиқ автоматик бошқарувга ўтказилди.

Худуддаги 71 та сув истеъмолчилари уюшмаси лойиҳа давомида сув йўллари бўйича қайта ташкил этилди. Ҳозир 38 та сув истеъмолчилар уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда сувни иқтисод қиладиган технологиялар жорий этишда қатор имтиёз ва қулайликлар ҳам яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан унумли фойдаланиш сувни исроф қилмасликка имкон беради.

Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Фарғона вилоятида ўқариклар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришни 1780 гектарда, эгатларга плёнка тўшаб суғоришни 1730 гектар ерда қўллаш белгиланган.

Жорий йилда вилоят бўйича 350 гектар майдонда ушбу технология асосида суғориш ишларини амалга ошириш кўздан тутилмоқда. Бундан ташқари, вилоят туманларида 30 гектар майдонда гўзани эгатига плёнка тўшаб суғориш ва 20 гектар майдонга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ишларини бажариш мақсадида “Жиззахпластмасса” ОАЖдан белгиланган маҳсулотлар олиб келиниб, ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, “Фарғона нефтбаза” корхонасида 5,5 гектар, Бешариқ туманида 9 та фермер хўжалигида 10,5 гектар, Бағдод туманидаги “Хамзахон агро инвест” МЧЖда 110 гектар, Ўзбекистон туманида “Сарикўрғон агро импекс” МЧЖ ва “Арқони Сулаймон плюс” фермер хўжалигида 35 гектар, Кува туманида 7 та фермер хўжалигида 3 гектар, умуман олганда, вилоят бўйича 169,8 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Шу билан бирга, Бағдод туманида 13 та, Олтиариқ туманида 5 та, Риштон туманида 8 та фермер хўжалигининг 180,2 гектар майдонида ана шундай янги технологияни жорий этиш бўйича лойиҳалаш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад – бебаҳо нейматдан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида экинлар ҳосилдорлигини ошириб, элу юрт фаровонлигини юксалтиришдан иборатдир.

**Маҳмуджон МАМАЖОНОВ,**  
профессор,  
**Муҳаммадқодир ҲАМДАМОВ,**  
Андижон қишлоқ хўжалик институти магистранти.


 НаВои Вилояти

Марказий Қизилқумдаги Жерой-Сардара кони фосфоритларини саноатлашган ҳолда ўзлаштириш Навоий кон-металлургия комбинатининг йирик инвестицион лойиҳаларидан биридир.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

1997 йилда Жерой-Сардарада фосфорит қазиб олиш ва бойитилмаган фосфорит унини ишлаб чиқариш учун катта қувватга эга Қизилқум фосфорит комплексининг биринчи навбатини қуриш натижасида майдалаш бўлинмаси ишга туширилган эди. Кейинги йилларда бу ерда аммофос олиш учун яроқли бўлган куйдирилган фосфорит концентратининг ишлаб чиқарилиши ҳам юксак самара бермоқда. 2006 йилда чуқур ювиш усуллари билан фосфоритли рудаларни бойитишнинг мураккаб технологик схемаси жорий этилди. Ушбу мураккаб технологик схема йилига 400 минг тоннагача ювилиб, куйдирилган ва 200 минг тоннагача ювилган фосфорит концентрат олиш имкони беради.

— Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш борасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти, — дейди Қизилқум фосфорит комплекси ювиш бўлинмаси бошлиғи Фарҳод Тошматов. — Хусусан, ҳозирги кунда янги — иккинчи куйдириш бўлинмаси қурилмоқда. Натижада йилига 316 минг тонна куйдирилган фосфорит олиш имкони юзага келади. Бўлинма 2014 йилда ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

**Маърифат ШАРИПОВА**

## О ЭЪЛОНЛАР

### «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИДА 2013 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДАН 30 СЕНТЯБРГАЧА ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИДА СОТИЛГАН МУЛКЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи” давлат корхонасига қ-ли 1977 йилда и/ч, “МАЗ-500А(ТЗ-7,5)” р-ли д/р 11АҚ434, ав-на б/б 6 856 300 сўм, с/б 7 843 000 сўм, 1988 йилда и/ч, “УАЗ-3303101” р-ли д/р 10/549 LAA, ав-на б/б 3 023 000 сўм, с/б 3 524 000 сўм, 1985 йилда и/ч, “МАЗ-5335” р-ли д/р 11 AL 918, ав-на б/б 4 633 400 сўм, с/б 5 343 000 сўм, 1988 йилда и/ч, “Камаз 54112 сполуприцепом Одаз-9370” р-ли, д/р 11 AL 917, ав-на б/б 16 341 900 сўм, с/б 18 638 000 сўм, 1989 йилда и/ч, “КРАЗ-250” р-ли д/р 10/436КАА, ав-на б/б 7 179 300 сўм, с/б 8 184 000 сўм, 1990 йилда и/ч, “УАЗ-39621” р-ли д/р 10/450 КАА, ав-на б/б 4 258 500 сўм, с/б 4 887 000 сўм, 1990 йилда и/ч, “УАЗ-3151” р-ли д/р 10/392 МАА, ав-на б/б 4 208 600 сўм, с/б 4 832 000 сўм, 1985 йилда и/ч, “Трактор погрузочный УН-053 гидравлический” р-ли, Инвен №3699, ав-на б/б 7 328 400 сўм, с/б 8 355 000 сўм, 1969 йилда и/ч, “Грузовой автоприцеп 2-ПН-4” р-ли, Инвен №3536 ав-на б/б 1 223 400 сўм, с/б 1 479 000 сўм, 1970 йилда и/ч, “Грузовой автоприцеп 2-ПН-4” р-ли, Инвен №3538 ав-на б/б 1 223 400 сўм, с/б 1 479 000 сўм, 1980 йилда и/ч, “Трактор Т-150К” р-ли, Инвен №3724, ав-на б/б 5 879 900

сўм, с/б 6 706 000 сўм, 1973 йилда и/ч, “Прицеп ПЦ-6,7” р-ли, Инвен №3554 ав-на б/б 2 620 300 сўм, с/б 3 070 000 сўм, 1986 йилда и/ч, “Мотоцикл МВ-650М” р-ли, Инвен №3713 ав-на б/б 888 900 сўм, с/б 1 024 000 сўм, “Наманган вилояти касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси”га қ-ли, 1997 йилда и/ч, “Дамас” р-ли д/р 50/752 ЕАА, ав-на б/б 4 267 000 сўм, с/б 4 945 000 сўм, “Андижон вилояти касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши”га қ-ли, 2008 йилда и/ч “Лада-21154-120-20” р-ли д/р 60/726 QAA, ав-на б/б 7 553 000 сўм, с/б 8 752 000 сўм, 1996 йилда и/ч, “Тико” р-ли д/р 60 725 QAA, ав-на б/б 3 516 000 сўм, с/б 4 521 000 сўм, 1996 йилда и/ч, “Эсперо” р-ли, д/р 60/728 QAA, ав-на б/б 9 310 000 сўм, с/б 10 826 000 сўм, 1998 йилда и/ч, “Тико” р-ли, д/р 60/729 QAA, ав-на б/б 4 009 000 сўм, с/б 5 109 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Хўжабод тумани кенгаши”га қ-ли 1989 йилда и/ч, “ВАЗ-2107” р-ли д/р 17 AA 613, ав-на б/б 1 328 000 сўм, с/б 1 541 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Балиқчи тумани кенгаши”га қ-ли 1998 йилда и/ч, “Тико” р-ли д/р 60/726 LAA, ав-на б/б 3 703 000 сўм, с/б 4 726 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Пахтабод ту-

мани кенгаши”га қ-ли 1995 йилда и/ч, “Дамас” р-ли д/р 60/403 ЕАА ав-на б/б 6 043 000 сўм, с/б 7 005 000 сўм, “АСМ ходимлари касаб уюшмаси Андижон тумани кенгаши”га қ-ли 1997 йилда и/ч, “Дамас” р-ли д/р 60/197 GAA, ав-на б/б 7 048 000 сўм, с/б 9 878 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Марҳамат тумани кенгаши”га қ-ли 1996 йилда и/ч, “Тико” р-ли д/р 17 AE 805, ав-на б/б 3 972 000 сўм, с/б 4 608 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Избоскан тумани кенгаши”га қ-ли 2000 йилда и/ч, “Тико” р-ли д/р 60/016 HAA ав-на б/б 4 524 000 сўм, с/б 5 795 000 сўм, “АСМХ ходимлари касаб уюшмаси Асака тумани кенгаши”га қ-ли 1991 йилда и/ч, “Москвич ИЖ-412” р-ли д/р 60/946 КАА, ав-на б/б 705 000 сўм, с/б 824 000 сўм ҳамда 2006 йилда и/ч, “Нексия” р-ли д/р 60/203 ААА, ав-на б/б 18 965 000 сўм, с/б 21 961 000 сўм.

**Изоҳ:** ав-на - автомашина, р-ли - русумли, д/р - давлат рақами, қ-ли - қарашли, и/ч - ишлаб чиқарилган, б/б - бошланғич баҳоси, с/б - сотилиш баҳоси.

**Кўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (+99895) 177-96-74. **Электрон манзил:** avto\_tc@mail.ru.

**Гувоҳнома № 005148**

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т.да рўйхатга олинган “GOOD JOB” МЧЖ (СТИР 302553655) тегишли “Улгуржи савдо” фаолиятига рухсат берувчи УС № 009687 сонли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “DUYJE TEHNOTEKS” (ИНН 301433884), зарегистрированное ИПСР Сергелийского р-на (реестр № 002374-06, 11.01.2010 г.) расположенное по адресу: ул. Сугдийна-1, почтовый адрес: ул. Чоштепа, 13 проезд, д. 3 (на основании решения учредителя за № 1 от 30.09.2013 г.) объявляет о самоликвидации. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел.: 554-04-25.

ООО “SUNLIGHT PRODUKT” (ИНН 206559504) зарегистрированное (22.08.2006 г., реестр № 000867-06) ИПСР хокимията Сергелийского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 9 объявляет об уменьшении Уставного фонда с 395 000 000 сум до 354 960 000 сум. Претензии принимаются в течение 3-х месяцев по тел.: 125-07-21.

Утерянный диплом К № 785386 выданный в 2007 г. медицинским колледжем С.Рахимовского (Алмазарского) р-на г. Ташкента на имя Рахимовой Асолат Абдузахидовны, считать недействительным.

УП Спортивно-оздоровительный комплекс г. Ташкента “Енгилсаноат” (ИНН 302071994) расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Шота Руставели, 53 “б”, ликвидировано (согласно протокола заседания наблюдательного совета ГАК “Узбекгилсаноат” № 5 от 06.09.2013 г.). Все претензии принимаются в течение одного месяца с даты опубликования данного объявления по вышеуказанному адресу или по тел.: 600-45-70.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский р-н, Чиланзар-9, д. 23, кв. 44, выданный Чиланзарским БТИ на имя Худайкуловой Озоды Джумаевны, считать недействительным.

ООО “DASTMOYA INVEST SERVICE” (ИНН 207106125) Юнусабадского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 75 000 000 сум до 50 000 000 сум.

СП ООО “BIRYUZA GROUP” (ИНН 207125387) объявляет об уменьшении Уставного фонда на сумму 1 600 000,00 долларов США, то есть с суммы 2 733 446,64 долларов США до суммы 1 133 446,64 долларов США. Претензии и заявки принимаются в течении 10 дней с момента опубликования объявления по адресу: Ташкентская обл. Занги Отинский р-н, ССГ “Урта Оул”, ул. Ешлик, д. 1, либо Наманганская обл. Туракурганский р-н, ССГ “Шаханд”. Тел.: (99895)144-05-56.

ООО “DELTA LEASING” (ИНН 300468990) расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Фурката, 15/1, извещает об уменьшении уставного капитала с 3 500 000 000 сум до 3 100 000 000 сум. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня объявления.

Утерянные кадастровые документы на базу расположенную по адресу: г. Ташкент, М.Улугбекский р-н, пос. Улугбек, ул. Ордонжикидзе, д. 1 принадлежащие ООО “HERAT GREEN ROAD” (реестр № 9-191-2012, кадастр № 10090801020016), считать недействительными.

Утерянные кадастровые документы серия ТА № 0738712 14.04.2009 г., серия О’У тартиб рақами 215800 14.04.2009 г. по адресу: Бектемир т. Х.Байқаро кўч. 35 уй. На фирму “Baner Print” считать недействительными.



# «Хосиятли» ХОНТАХТА

*Қатта шаҳарда устоз ва шогирд кўшни бўлиб қолишди. Улар жуда-жуда иноқ, айниқса, шогирдини устога меҳри бўлакча эди. Иккиси икки жойда ишласа-да, бир-биридан ажралмас, мажлису машваратларга ҳам бир-бирликда боришарди.*

Кунлардан бир куни шогирдни келишадиган бўлди. Хабарни эшитган шогирд устозга ёрилди:

— Устоз, биласиз, шаҳарга яқинда келганман, ҳали қишлоқдан кўч-кўронимни келтиришга ҳам улгурмадим. Меҳмон келадиган бўлиб қолди. Шунга хонтахангизни бериб турсангиз. Ҳарқалай, хонтахта атрофида ўтириш қулайроқ-да.

Устоз йўқ демади. Ҳатто шогирдни уринтирмай хонтахтани жиянлари орқали чиқартириб юборди. Меҳмонлар ҳам узоқ куттирмай кириб келишди. Шогирд устоз билан бирга уларнинг хурматини жойига қўйди. Тонггача давом этган гурунгда турмушнинг не кўчаларига кириб чиқилмади. Ҳатто кимдир хонтахтанинг қулайлиги ҳақида ҳам гап очди.

Шунда шогирд:  
— Яқинда шу уйни сотиб олдим. Бу хонтахта эса устоздан менга совға бўлди, — деб қолди.

Устоз шогирди сўзларини аввалига ҳазил деб ўйлади. Қарасаки, уйни қанчага олгани-ю, уни топишга аллақимларнинг ёрдами ҳақидаги фирт ёлғонларни қалаштириб ташлапти. Аслида бу уйни у сотиб олган эмас, балки, устоз бир дўстидан ижарага олиб берганди.

Шогирднинг ёлғон сўзлари устозни ажаблантирди.

— Майли, меҳмонлар олдида мақтанаверсин-чи, эртага ўзига келиб қолар, — деган фикрлар устознинг хаёлидан ўтди.

Бир зумга кекса устознинг кўзлари бироз қисилиб, юзида бирор шумликнинг режасини тузаётгандай ифода

пайдо бўлди.

Эртаси азонда устоз шогирд эшигининг кўнғирғоғини босди. Меҳмон келди, анча ҳориган шогирд «Яхшиларнинг эрталабки қадамлари қутлуғ бўлади», дея устознинг хурматини жойига қўйиб, уйга бошлади.

— Ие, хонтахтани нега хафа қилдингиз, — деди устоз уйга кириши билан. — Ахир, у бизнинг уйда доимий ясағлик ҳолда турарди-ку.

Шогирд устоз шаъмасини дарров тушунди. Тезда хонтахта усти қандқурслару нозу неъматларга тўлдирилди. Кўп ўтмай келин таом келтирди. Шогирд ўртадаги шисалардан бирини очди. Шундай қилиб, кечаги меҳмондорчилик эрталабдан яна давом этди.

Кечки пайт устоз ишдан қайтар чоғи уч-тўрт улфати билан шогирдни сўроқлатди. Шогирд уларни уйга таклиф қилиши учун бир-икки илмоқли гапнинг ўзи етарли бўлди. Алламаҳалгача хонтахта атрофида чақчақлашиб ўтиришди. Қайтар чоғи устоз шогирдига хонтахтани хафа қилмасликни қайта-қайта тайинлади.

Хонтахта атрофидаги бундай зиёфатлар бир ҳафта мобайнида давом этди. Ҳар гал устоз хонтахтанинг хосиятли эканини, уни шогирдига бежизга «совға қилмаганини» тақрорлар, ҳар куни хонтахтадан бир хабар олмаса, кўнгли жойига тушмаслигини айтишни унутмасди. У меҳмонлар олдида ёлғон сўзлаган шогирдини жазолашнинг ажойиб усулини топганидан қувонарди. Шогирд эса «хосиятли хонтахта»ни эгасига қандай қайтариш йўлини топа олмай қийналарди.

Ўқтам САТТОРОВ



# «Ҳийлагар» КЕЛИНИ

Моҳиранинг келин бўлиб келганига ҳафта ҳам бўлгани йўқ. Қайнонасининг айтишича, саҳар-мардонлаб тўшакни тарқ этиб, мол-ҳолга қарайдиган, эрталабки нонушта учун ўтин-чўп тайёрлайдиган кўёвмўра Нодирбек Моҳира келганидан буён унга эркаланибми, дангасалиги тўтивми, бу ишларни келинчагига ишонибми, қошгоҳга-ча ухлашни одам қилганмиш.

Мана, бугун ҳам вақт чошгоҳга яқинлашиб қолди ҳамки, ҳамон хуррагидан девор сувоқлари нурагудай зириллаб, донг қотганича ухла ётибди. Бир жиҳати кўёш кўтарилиб қолганидан, яна бир жиҳати ҳамон кўрпа-тўшак йиғиштирилмаганидан келинчақ хижолат тартаётганди. Бунинг устига мабодо, қайнонаси мўралаб қолса-чи?.. Уят-а! Нима қилса экан-а?

Ҳали бирор режаси бўлмаса-да, хаёлига келган бу ўйдан қувониб кетди. Оёқ учида ташқарига чиқиб қайтди-да, лабларини қимтиганича журъатсизгина эрининг тепасига келди ва деди:  
— Хув, анави кўёвжўра бўлган бир дўстингиз бор-ку... ҳалиги иягининг чап ёнида холи бор йигит...

— Ҳимм, бор! Хол... Хол... Холдор. Нима бўпти ўшанга?  
— Ўша киши дарвоза олдида келиб, сизни тез кийиниб чиқсин, деяпти. Аллақандай дўстларингизникига нахорги ошга боришларингиз зарур эмиш.

— Ий-е, шундайми? Бор-бор, чиқяпти, де!  
Нодирбек ўрнидан сапчиб турди-да, апил-тапил кийина бошлади. Моҳира ҳам ундан-да тезроқ кўрпа-тўшакларни йиғиб, қўлига супурги олди. Бу орада ташқарига чиқиб, қайтиб кирган Нодирбек бироз тажанг ва нимадандир норози тўнғиллади:

— Ҳеч ким йўқ-ку?!  
— Қайдам..., — деди ишдан бош кўтармай Моҳира. — Балки бошқа дўстларингизни ҳам айтгани кетгандир, келиб қолар...  
— Ҳеч бўлмаса машинанинг изи қолмасмиди? — деди Нодирбек аллақандай шубҳа ва жаҳлдан асабийлашиб.

Моҳира эса, кулиб юбормаслик учун рўмоли учини тишлади-да, ҳазиллашдим, деди ийманибгина. Икковлашиб самимий кулишди.

Келди ДЎСТБЕК

Кўзнинг ўртала-рида қўшим Альфия опа каминани қисти-бастига олди:  
— Қўшни, сен газета-журнал ўқиб турсан. Бу йил қиш эрта келармикан?



# Пўстин

— Қайдам. Ҳали қорга йўл бўлсин. Одатда янги йил арафасида дастлабки қор ёғади.  
— Лекин синоптиклар қиш эрта келади, дейишяпти. Дарахтларнинг барги ҳам учидан тўкиляпти. Бу совуқдан, қордан далолат беради.  
— Билмадим, билмадим. Қолаверса, синоптиклардан

ошна-оғайниларим йўқ.  
Шу тахлит яна икки ой ўтди. Янги йилни ҳам қорсиз кутиб олдик. Қуруқ совуқ, шамоллар жонга тегди. Альфия опа негадир табиатни қаргагани қаргаган. Унинг оҳ-воҳлари ижобат бўлди, шекилли, февраль ойининг ўрталарида ундек

оппоқ қор сепалади. Альфия опа қувончга тўлди. Шу куни у ўғли хориждан юборган бежирим норка пўстинни кўчага кийиб чиқди. Эртаси куни ҳаво исиб, қор буғланиб кетган бўлса-да, яна икки кун пўстинини эгнидан ташламади. У бахтиёр, армонлари ушалган эди.

# БАРАКАЛИ ОЁҚ

*Инги йилиниги киришига икки соат қолганида Саид ака бемор қатлана бошлади. «Неъмат аканг кўришмаётми» дея ўғил келинларини дамбадам кўчага йўрғалатарди. Ҳар йили 31 декабрь куни пешинда ҳо зиру но зир бўладиган доимий кўноқдан ҳамон дарақ йўқ.*

Неъмат ака Саид акага синфдош. Бурноғи йили хотини қазо қилгандан буён сўққабош. Ували-жували бўлишига қарамай, ҳалиям анави зормандадан отиб туради. Агар панд-насихат қилиб, қолсангиз, «сен менга текин куйиб беряпсанми, номард. Ичсам, ўзимникини ичман» деб сўкиб бериши ҳам мумкин.

Соат 23 га занг ургач, уй бекасининг тоқати тоқ бўлиб, эрига ёзгирди.

— Э, худо кўтарсин ўша алкаш жўрангизни. Бир пиёнистани деб, ошни суздирмай ўтира-

верасизми?  
— Унақа дема, хотин, — деди Саид аканинг ўпкаси негадир тўлиб. — Жўрам ичгани билан, лекин фариштали одам. Бурноғи йили ётиб қолганинда янги йил кечаси нима деб қадаҳ кўтарганини айттайми? Илоё, хотининг тузалиб кетсин. Илоё, мендек есир бўлма, деб ният қилди. Тилаги ижобат бўлдим, бўлди. Ўтган йили «Икки ўғлингнинг ташвишидан қутил» деб қадаҳ кўтарди. Хўш, қўшалок келин туширдингми, туширдинг. Яна нима дейсан?

— Рост, дадаси, Гапингизда жон бор. Шу жўрангизга Хизрнинг назари тушган. Ўғиллари ҳам, келинлари ҳам мўмин-қобил ва топармон-тутармон. Қизлари ва кўёвларини айтинг. Менинг Саодат, Сабоҳатларимни бахти очилмаётибди. Жон дадаси, жўрангиздан илтимос қилинг, келгуси йили қизларимизнинг эгаси чиқсин.

— Ана калланг ишлади, хотин. Чинданам қизларни назардан қочирибмиз. Ҳозир Неъмат келсин. Зимдан қулоғига қуяман. Унинг оёғи баракали. Тилаги, албатта, ижобат бўлади. Аммо ҳозир қаерларда санғиб юрган экан?

Шу пайт кўча томондан кимнингдир «Уйдимисан, шўрбалиқ» деган ҳайқирғи эшитилди. Эр-хотин беихтиёр чўчиб туришди ва бараварига «хайрият» деб юборишди.

Абдурашул МУРОДОВ



# НАЗОРАТ ТАРОЗИСИНИ КИМ ПАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Харажат қилиб бозордан чиқдингиз. Уйга борганингизда аёлингиз маҳсулотнинг сиз айтган миқдордан камлигига шубҳа қилди. Афсус, сотиб олган маҳсулотингизни бозорнинг ўртасидаги назорат тарозисига бир қўйиб кўрмабсиз-да.

Чакана савдо қоидаларига кўра, назорат тарозиси 3 нафар ва ундан ортиқ киши иш билан банд бўлган озик-овқат дўконларининг савдо залларида ўрнатилиши шарт. 1500 квадрат метр ва ундан катта майдондаги савдо залларида эса назорат тарозилари икки жойда ўрнатилиши лозим.

Савдода ҳалол йўл билан рўзгорга барака киритилади. Аммо шундай сотувчилар ҳам борки, маҳсулотини уч-тўрт чандон қимматга пуллаганлари камдек, тарозидан ҳам уриб, бировнинг ҳақиқа хийнат қиладилар. Шу боис, кўпчилик бозорга тушганда иложи борича деҳқонларни излайди. Чунки ҳақиқий деҳқон харид қилаётганингизда “ўзимизнинг деҳқончилик, сўрайверинг, ками бор” дея лутф қилади, ҳатто, айтганингиздан биров оғирроқ қилиб тортиб беради. Шундай муносабатга яраша харидорлар “сизга ҳам баракасини берсин” дея миннатдорлик билан бозордан чиқашади. Ўз-ўзидан маълумки, бу харидор назорат тарозисининг яқинига ҳам йўламайди.

## АГАР СИЗНИ АЛДАШСА...

Сотиб олган маҳсулотингизни назорат тарозисига қўйганда кам чиққа-

нини кўрсангиз, бундан жаҳлингиз чиқади, албатта. Бундай вазиятда сотувчининг олдида бориб маҳсулотни қайтариб беришингиз, пулингизни қайтиб олишингиз ёки унда қолаётган ўз ҳақингизни талаб қилиб олишингиз мумкин. Аммо гап-сўзни кўпайтирмаслик мақсадида индамай кетаверадиган харидорлар ҳам бор. Аслида ҳар ким ўша тарозидан алдайдиган сотувчининг танобини тортиб қўйиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига шикоят хати билан мурожаат қилиш ёки унинг “ишонч телефони”га қўнғироқ қилиб хабар бериш лозим.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

- ▶ Чакана савдо қоидаларининг 18-бандига мувофиқ, харидор ўзи сотиб олган маҳсулотнинг ҳақиқий вазнини мустақил равишда ёки сотувчилар ёрдамида тортиб, текшириб кўриш ҳуқуқига эга.
- ▶ Тарози ва бошқа ўлчов тарозилари сотувчи-ҳодимларнинг иш жойларида харидорлар товарни тортиш ва беришининг бутун жараёнини кўрадиган қилиб ўрнатилиши керак. Тарозиларни пештахтанинг фасадига томон бурчак остида ўрнатиш, уларнинг олдини товарлар, дарпардалар, инвентарь ва бошқа нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.
- ▶ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 168-моддасига асосан, бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисми миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Сарвар САҒАРОВ тайёрлади.



**ҚҲЙ (21.03 – 20.04)**  
Севишли инсонларингиз билан жанжаллашиб қолманг. Кўпроқ вақтингизни оила даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг. Сиз учун севиш-севилиш, ижод қилиш, яратишнинг айна пайти.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**  
Келаётган ҳафта мобайнида истиқболли лойиҳалар устида анчагина тер тўкиб ишлашингизга тўғри келади. Янги ҳамкорлар билан эҳтиёткорроқ муомала қилишни маслаҳат берамиз.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**  
Ушбу ҳафтада молиявий масалаларда омадингиз чопади. Образли қилиб айтганда, ҳаводан ҳам пул ясайсиз. Натижанда турмуш фаровонлигингиз ошади ҳамда кўпчиликка таниласиз.

**ҚИСҚИЧАҚА (22.06 – 22.07)**  
Сиз жуда камтар, очикқўнғил инсонсиз. Бу фазилатларингизни барча қадрлаб, эҳтиром кўрсатади. Сиз бундан хижолат чекманг, аслида ҳам сиз шундай эъзозга лойиқсиз.

**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**  
Сиз “Ё чикка, ё пукка” дейдиганлар хилдансиз. Аммо ҳаётда ҳар доим ҳам омад чопавермайди. Маслаҳатимиз — ишларингизни режалаштириб, биров мушоҳада билан амалга оширинг.

**ПАЗИЗОД (24.08 – 23.09)**  
Ушбу ҳафтада юмушларингиз кўпайгандан кўпаяди. Ижодий ишларингиз юзасидан яхшигина таклифлар оласиз. Яқинларингиз кўмаги билан барчасини улдасидан чиқишга муваффақ бўласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**  
Сизни ҳар қадамда даромадли ишлар кутмоқда. Агар имкониятлардан унумли фойдалансангиз, иқтисодий аҳолинингизни яхшилаб олишингиз мумкин. Отингизни вақтида қамчиланг.

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**  
Рўзгор ташвишлари бошингиздан ошиб-тошиб кетса-да, ишхонангизда ўзига хос фикрларингиз ва янги гоёларингиз билан барчанинг эътиборини қозонишга муваффақ бўласиз. Албатта, бу гоёларни амалга оширишда ҳам ўзингиз ўрнатқ бўлинг.

**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**  
Ушбу ҳафтада бошингизга ортиқча галва ортирмай десангиз, иш фаолиятингизни тўғри баҳолаб, келгусидаги режаларингизни пухта ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**  
Келаётган ҳафтада ҳаёлингизга бир-бирдан ажойиб гоёлар келади. Айнан шу гоёлар келгусида бизнес соҳасида янги-янги йўналишларни ўзлаштиришингизга имкон беради.

**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**  
Сиз учун келаётган ҳафта жуда масъулиятли, муҳим ва самарали бўлади. Айтиш мумкинки, ёрқин келажакни ўйлаб, ҳаётга бўлган қарашларингизни ҳам ўзгартиришингизга тўғри келади.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**  
Сиз ушбу ҳафтада ўзига хос фикрларингизни ва шу пайтгача яширин бўлган ижодий қобилиятингизни намойён этасиз. Домо олднинг олға интилсангиз, билингки, омад сизга ёр бўлади.

## ○ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРҲИ томонидан (05.03.2011 й., реестр № 006729-01) рўйхатга олинган “ALERI MART” МЧЖнинг (СТИР 301882595) номланиши “NARGIZA CLASSIC” МЧЖга (таъсисчининг қарорига асосан) ўзгартирилмоқда. Даъволар Чилонзор т. Чилонзор, 3-мавзе, 76-уй ёнида манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент ш. Яқасарой т. рўйхатга олинган “ELEGANT GOLDEN DIAMOND” (СТИР 301903948) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилади. Даъволар эълон чоп этилгандан бошлаб қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (17.02.2012 й., реестр № 07-000909) қайта рўйхатга олинган “SORIZ DIOMED AVANTGARDE” шўба корхонаси “SORIZ DIOMED” МЧЖга қўшилишини маълум қилади. “SORIZ DIOMED” МЧЖ “SORIZ DIOMED AVANTGARDE” шўба корхонасининг барча эътирозлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

**Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.**



**Гарантия**

**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

**Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.**



**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.

Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

Маҳсулот сертифициланган.



Қуйидаги турдаги **ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАРИ** пул кўчириш йўли билан **сотилади:**

1. Сомон, хашак боғловчи (сеновязальный). «Прессподборщик» машиналари учун.
2. Хўжалик ишлари учун (упаковочный).

Тел: (+99893) 382-89-14, 582-57-95.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилик ва идоралар.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

### ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразми — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:

236-26-50,

233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:

С.САЙДИСЛОМОВ

Мусаҳҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.05  
15573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзили: “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5